

9-10-2019

VISUAL MNEMOTECHNICS

Озода Қурвонали қизи Хасанова
Фарғона политехника институти, ассистент

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu>



Part of the [Education Commons](#)

Recommended Citation

Хасанова, Озода Қурвонали қизи (2019) "VISUAL MNEMOTECHNICS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*. Vol. 1 : Iss. 8 , Article 73.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss8/73>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

VISUAL MNEMOTECHNICS

Cover Page Footnote

???????

Erratum

???????

ВИЗУАЛ МНЕМОТЕХНИКАЛАР

Хасанова Озода Курвонали қизи
Фарғона политехника институти, ассистент

Аннотация: Мақолада немис тилини чет тили сифатида ўргатиш ва ўрганишда визуал мнемотехникадан фойдаланиш масалалари ҳақида фикр юритилган. Визуал мнемотехниканинг турлари кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Мнемотехника, немис тили, визуал мнемотехникалар, ассоциацияли боғлаш, тасаввур, ментал факторлар, фантазия, алоқадорлик, визуаллаштириш, грамматик қоида.

ВИЗУАЛЬНАЯ МНЕМОТЕХНИКА

Аннотация: В статье рассматривается использование визуальной мнемотехники в преподавании немецкого языка как иностранного языка. Типы визуальной мнемоники были показаны.

Ключевые слова: мнемотехника, немецкий язык, визуальная мнемотехника, ассоциативное связывание, воображение, ментальные факторы, фантазия, отношения, визуализация, грамматическое правило.

VISUAL MNEMOTECHNICS

Abstract: The article discusses the use of visual mnemonics in teaching and learning German as a foreign language. The types of visual mnemonics are shown.

Keywords: mnemotechnics, German, visual mnemotechnics, association, imagination, mental factors, fantasy, interconnection, visualization, grammar rules.

Авваллари ҳам чет тилларни ўрганиш муҳим бўлган бўлсада, бугунги кунга келиб уларни ўрганишнинг аҳамияти янада ортиб бормоқда. Чет тилларни ўрганиш ҳар бир инсоннинг ҳаётида муҳим ўринга эга бўла бошлади. Бугунги кунга келиб фарзанди чет тилини ўрганишини хохламайдиган ота-оналарни учратиш қийин. Ўзбекистонда ҳам кичик ёшдан бошлаб чет тилларни ўрганиш анъанага айлана бошлади. Ҳозирда нейролингвистика соҳасида олиб борилаётган турли тадқиқотлар натижаси ўлароқ, ўрганишнинг самарали ҳамда узоқ муддат хотирада сақланувчи таълим стратегиялари яратилмоқда. “Узоқ муддатли” ўрганиш методи баъзи тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, уларнинг ичида мнемотехниканинг катта аҳамият касб этиши ҳам кўпчиликка сир эмас. Лекин антик даврдан фарқли равишда мнемотехниканинг янгитдан кашф этилиши ва унинг машҳурлигини ортиб бориши, айнан бугунги кундаги чет тили ўқитиш методикасида мнемотехниканинг кўп ўрганилаётган мавзуга айланишига сабаб бўлмоқда. Лекин шунга қарамасдан кўпчилик чет тили ўқитувчилари ҳали ҳам ўзларининг эски методларидан воз кеча олмаяптилар.

Мнемотехникалар чет тилини эгаллашда яхши натижаларга олиб келувчи ёрдамчи восита ҳисобланади. Мнемотехникани тил ўрганишнинг барча қисмига тадбиқ этиб бўлмаса-да, унинг сўз бойлиги оширишдаги ва грамматикани

ўрганишдаги аҳамияти диққатга сазовардир. Қуйида немис тилини ўрганишда қўлланиладиган визуал мнемотехникалар ҳақида тўхталиб ўтилади.

Мнемотехникаларни яратиш учун етгита ментал омиллар талаб этилади: фантазия, ҳиссиёт, мантик, ассотсация, жойлашиш, трансформация ва визуаллаштириш. Бу омиллар янги маълумотларни яхшироқ ўрганишга ёрдам беради. Бу ментал омилларни қўллаш натижасида анъанавий дарсларнинг самараси ошишига эришилади. Дарслар эса тил ўрганувчиларда кўпроқ қониқиш ҳосил қиладиган дарсларга айланади. Бундан ташқари улар хотирани кучайтиришга ҳам хизмат қилади.

Kateřina Sojková мнемотехникаларнинг асосан тўрт турда бўлишини қайд этади [2]:

- визуал мнемотехникалар;
- акустик мнемотехникалар;
- аралаш мнемотехникалар;
- ҳаракатга асосланган мнемотехникалар.

Ҳар бир тур эса ўз навбатида қуйи техникалардан ташкил топади.

Лекин уларнинг ичида визуал мнемотехникалар катта аҳамият касб этади. Бунинг сабаби тил ўрганувчиларнинг асосий қисми визуалист бўлишларидадир. Бундан ташқари визуал мнемотехникалар қолган мнемотехникаларга қараганда қизиқарлироқ ҳисобланади.

Визуал мнемотехникалар асосан тил ўрганувчиларни ҳар иккила мия яримшаридан фойдаланишга ундаш учун қўлланилади ва уларнинг маълумотларни қабул қилиш жараёнига ижобий таъсир кўрсатади. Инсоннинг чап мия яримшари тил учун, ўнг мия яримшари эса фантазия ва тасвирлар учун жавоб беради. Маълумки, сўзлаш жараёнида хотирадаги тасвирлар автоматик равишда фаоллашмайди. Лекин агарда бирор тасвирга ёки расмга кўзимиз тушса, миямизда бирон нарсани тасаввур қилсак, унга мос тушунча автоматик равишда шу тасвир ёки тасаввурга ассоциация ҳосил қилади. Бу факт чет тили дарслари учун аҳамиятли ва фойдали ҳисобланади. Агар тил ўрганувчи гапириши ва шу билан бирга грамматик қоидаларга амал қилиши керак бўлса, муаммога дуч келади. Шунинг учун ҳам грамматикадан фойдаланиб гапирганда сўзлар билан ўрганилган грамматик қоидалар тил ўрганувчиларга ёрдам бермайди. Агар грамматик қоида турли тасвирлар, графиклар ёрдамида ўргатилса, грамматик қоидадан фойдаланиб гапирилганда, иккала мия яримшари бирданига ишлайди ва қийинчиликлар бартараф этилади.

Бу расмлар мнемотехник қоидаларга мос тушиши лозим, бундан ташқари улар иложи борича интерактив, жонли, рангли, эмоцияли тасвирланган бўлиши керак. Оддийгина расмлардан фойдаланиш яхши самара бермаслиги мумкин, лекин агар тасвир яхши, барча мнемотехник талабларга жавоб берадиган бўлса, 2-3 секундда уни хотирага жойлаш мумкин бўлади.

Мнемотехникаларнинг ичида энг кенг тарқалгани айнан визуаллаштириш бўлиб, у асосан чет тили дарсларида янги сўзларни ўрганиш учун қўлланилади. Лекин грамматик мавзуларни визуаллаштириш ҳам анча яхши самара беради. Немис тилида “ Das Bild sagt mehr als 1000 Wörter!”[3] (*Расм мингта сўздан кўра*

кўпроқ нарсани айтади.) деган жумла айнан визуаллаштиришнинг мазмун-моҳиятини очиб беради. Ўзбекларда ҳам “Минг марта эшитгандан бир марта кўрган яхши” деган мақолни қўлланилиши бежиз эмас. Юқорида келтирилган жумла ва мақолнинг мазмуни шундан иборатки, тасвир инсон миясида вербал маълумотларга қараганда узоқроқ сақланади ва унинг қайта ёдга тушиши ҳам вербал маълумотларга қараганда осон кечади. Барча немис тилини чет тили сифатида ўргатишга қаратилган дарсликларда визуаллаштириш жуда муҳим рол ўйнайди. Улар тил ўрганиш жараёни фаол кечишини таъминлайди. Аммо албатта расмларни тўғри тушуниш керак бўлади. Мнемотехникалар тарихида расмлардан узоқ даврлардан буён фойдаланиб келинади. Визуаллаштириш техникасидан фойдаланишда тил ўргатувчидан ҳам, тил ўрганувчидан кучли фантазияга, тасаввурга эга бўлиш талаб этилади. Инсон ўрганаётган нарсасини қанчалик яхши тасаввур қилса, шунчалик яхши эслаб қолади. Визуаллаштириш нафақат визуалист тил ўрганувчиларга, балки қолган тип вакилларига ҳам бирдек ёрдам бериши мумкин. Визуаллаштириш тасвирлар, графикалар, диаграммалар, жадваллар ва рангли қаламлар ёрдамида белгилаш ёрдамида ҳам юзага чиқарилиши мумкин.

Визуаллаштириш мураккаб бўлмай, содда ва қизиқарли бўлиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Чунки тил ўрганувчиларнинг, умуман инсонларнинг диққатини узоқ муддат ушлаб туриш қийин масала ҳисобланади. Агар бирон маълумотни визуаллаштириш керак бўлса қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади.

- визуаллаштиришда максимал уч хил рангдан фойдаланиш;
- алоқадорликни унга мос ранг ва шакл билан боғлаш (масалан мужской родга мансуб сўзлар учун кўк, женский роддаги сўзлар учун қизил рангдаги ручка ёки қаламдан фойдаланиш каби);
- асосий маълумотларга алоҳида урғу бериш;
- аъло даражадаги тасвирлардан фойдаланмаслик;
- тасвирларнинг ноодатий бўлиши;
- қисқартмалардан фойдаланмаслик ва бошқалар.

Визуаллаштиришнинг яна бир муҳим томони тасаввур бўлиб, масалан “kochen/пиширмақ” сўзини эслаб қолиш учун, ошхонада овқат тайёрлаётганингизни тасаввур қилиш лозим бўлади. Сўзни луғат дафтарга ёзиш жараёнида унга мос расмни чизиб кетиш ҳам яхши самара беради. Сўзларни остига рангли қалам ёки ручка, маркерлар орқали чизиб кетиш ҳам визуаллаштиришнинг бир тури ҳисобланади. Масалан матнни ўрганиш жараёнида нотаниш сўзларни алоҳида рангда белгилаб кетиш, кейинги сафар фақат шу сўзларнинг ўзи билангина ишлаш, ўрганиш жараёнини тезлаштиради. Тил ўрганувчиларда одатда қизил, кўк, қора ва яшил рангдаги ручкалар бўлиши мумкин. Шунини эътиборга олган ҳолда, дарс жараёнида ҳам шу рангларга урғу бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Масалан *Dativ* кўмакчилари фақат кўк рангли ручкада ёзиш, *Akkusativ* кўмакчиларини фақат қизил рангли ручкада ёзиш сингари.

Визуал мнемотехникаларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин.

а) Визуал ассотсациялар – бу техникада ўрганилаётган тушунча ёки мазмун ва визуал ассотсациянинг ўзаро боғланиши ҳақида гап боради. Визуал ассоциацияда

фақат чизилган расм билан эмас, балки мияда тасаввур қилинган расм билан ҳам икки ёки ундан ортиқ маълумотни бирлаштириш мумкин бўлади. Масалан „Kerze/шам“, „Ball/гўп“, „Krokodil/тимсоҳ“ ва „Kirche/черков“ каби сўзларни эслаб қолиш учун қуйидагича расмдан фойдаланиш мумкин:



1-расм. Визуал ассотсация

Ҳ.Шпербер эса қуйидагича расмни тавсия қилади [1]:




2-расм. Ҳ. Шпербернинг дарахт сўзининг артиклини ёдда сақлаш учун тайёрлаган тасвири

Ҳ.Шпербер расмда келтирилган маълумотларни яна маълум махсус гуруҳларга асосланган ҳолда қўллаш мумкинлигини айтиб, ушбу расмдан отларнинг родини эслаб қолиш учун фойдаланиш мумкинлигини қайд этади. У томонидан мужской род учун шер, женский род учун раққоса, средний род учун эса самолёт рамз қилиб олинган. Юқоридаги расмда дарахт сўзини артиклини (*der Baum*) эслаб қолиш учун дарахт устида ўтирган шер тасвиридан фойдаланилган. Дарахт устидан ёғатган туз ёмғири (*der Pfefferregen*) эса *der Baum* сўзининг кўпликда умлаут олишини эслатиб туриши учун қўлланилган.

б) **Ассотсацияли боғлаш техникаси** бу – бир неча ўзаро боғланмаган тушунчалар қаторини ёд олиш керак бўлганида қўллаш мумкин бўлган техникадир. Бу техникада танланган тасвир фақат барча тушунчалар учун қўлланилмасдан, тасвирлар ўзаро бир-бири билан ёки бирин-кетин боғланиб келади. Бунинг натижасида тушунчалар занжири ҳосил қилинади. Бу техниканинг асоси ҳам айнан

занжир ҳосил қилувчи тушунчани ўйлаб топишдан бошланади. Масалан *Х.Шпербер die Zahnbürste/миш чўткаси, die Blume/гул, das Waschbecken/раквина, der Fernseher/телевизор* ва *die Wolke/булут* сўзларини боғлаш учун қуйидаги тасвирни қўллаш мумкинлигини қайд этади [1].



3-расм. Ассоциацияли боғлаш техникаси

с) Ҳикоялар техникаси. Бу техника бир қанча маълумотларни ҳикоя сифатида эслаб қолишга асосланади. Кўпинча бу тушунчалар рўйхати мантиқий тартибга эга бўлмайди ва ҳикоя уларни ўзаро мазмунан боғлашга, рўйхатдаги сўзларни осонроқ эслаб қолишга ёрдам беради. Бу техникада конкретлик тамойили ҳам муҳим рол ўйнайди. Тил ўрганувчи бу ҳикояни хаёлида тасаввур қилиши лозим. Тил ўрганувчининг шахсан ўзи томонидан ўйлаб топилган ҳикоянинг ёдда сақланиш даражаси эса юқори бўлади. Бу техникада кўпинча ҳикояни ўқиш ўрнига эшитиш ҳам тавсия этилади. Эшитиш жараёнида кўзларни юмиб олиш ва ҳикояни шунчаки тасвирлар асосида тасаввур қилиш ҳам мумкин [6].

Ҳ.Шпербер ушбу техника учун юқоридаги тур учун келтирилган сўзларни қўллаган ҳолда қуйидагича ҳикоя тузиш мумкинлигини қайд этади: *„Das Telefon läutet und meine Schwester bittet mich darum, ihr sofort eine Zahnbürste zu kaufen; ich besorge sie und stelle bei meiner Rückkehr fest, dass sie mir als Dank einen Blumenstrauß vor meiner Haustür hinterlassen hat. Da ich keine Vase besitze, stecke ich die Blumen sofort ins Waschbecken“* [1].

д) Локи (макон) техникаси

Бу мнемотехника энг қадимги техника ҳисобланиб, Симонидес давридаёқ қўлланилган. Локи техникаси тушунчаси лотинчадан олинган бўлиб, „locus“ сўзи “жой” ёки “ўрин” деган маънони билдиради.

Бу техника тушунчаларни маълум жойларга боғлашга асосланади ва у орқали уларнинг кетма-кетлигини эслаб қолиш осонлашади.

Бу техникадан фойдаланаётган одам ўзига таниш бўлган жойнинг тартибидан фойдаланиши лозим. Бу масалан мактабга бориш ё`ли, бирон хона ёки инсон танаси ҳам бўлиши мумкин. Бу жойларга ўрганилаётган тушунча ассоциация қилиниши лозим. Агар кейинчалик тушунчага мурожаат қилиш керак бўлса, ўша маълум жой ҳақида эсланади [4]. “...эслаб қолишингиз учун керак бўлган тартибда, ўзингизга маълум маконларни (жойларни) танлаб чиқинг, уларни ҳаммасини яхшилаб ўрганинг, уни ўрни-ўрни билан яхшилаб эслаб қолишингиз керак. Танланган макон сизга жуда яхши таниш бўлиши мақсадга мувофиқдир.[7]” Зеро, ўзимизга таниш бўлмаган жойни танлаш маълумотлар тартибини ҳам эслаб қолмасликка олиб келиши табиий ҳолдир.

э) Алоқадорликни кашф этиш ёки яратиш техникаси

Ўрганиш жараёнида учрайдиган жуда кўп муаммолар визуал алоқадорлик ёрдамида бартараф этилиши мумкин. "...турли ёзув шакллари ёки маълум сўзга боғлаш ёрдамида маълумотларни ўрганиш йўллари излаш керак." [5]

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, визуал мнемотехникаларни чет тилини ўрганиш жараёнига тадбиқ этиш тил ўрганиш самарасини ошишига олиб келувчи йўللardan бири ҳисобланади.

References:

1. H.Sperber. Mnemotechnik im Fremdsprachenerwerb. 1989. S.33
2. K. Sojkova. MNEMOTECHNISCHE HILFSMITTEL IM UNTERRICHT DER DEUTSCHEN SPRACHE AN DER MITTELSCHULE DIPLOMOVÁ PRÁCE. Plzeň 2013. S. 25-30
3. MAIER, Christian, WEBER, Marion, Superlearning znamená úspěch, Translation © Šárka Bobková, Talpress 1994, ISBN 80-85609-59-2. S. 22.
4. METZIG, Werner, SCHUSTER, Martin, Lernen zu lernen: Lernstrategien wirkungsvoll einsetzen, Veröffentlicht von Springer, 2005. ISBN 3540260307 S. 56-59
5. Nordkämper-Schleicher, U. (1998). Besser Behalten: Mnemotechniken beim Sprachenlernen am Beispiel "Deutsch als Fremdsprache" für Erwachsene. Dissertation. Pädagogische Hochschule Freiburg. S.85
6. Possin, W. (2003). Alles im Kopf: Mit Merktechniken zum Supergedächtnis. München: mvg Verlag.
7. Sh.Rahmonov, I.Sattiboyev. Soʻz yodlash sirlari. Istiqlol nuri. T.: 2015. 17 – bet.